

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ PhD. 03/28.08.2020.1.55.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҚАРШИ ФИЛИАЛИ

ИБРАГИМОВ НОДИРЖОН НУСРИДДИНОВИЧ

УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИНИ ИННОВАЦИОН
РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ
(ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

08.00.06 – Эконометрика ва статистика

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
in economic sciences**

Ибрагимов Нодир Нусриддинович

Уй-жой коммунал хўжалигини инновацион ривожлантиришни эконометрик моделлаштириш (Қашқадарё вилояти мисолида).....3

Ибрагимов Нодир Нусриддинович

Эконометрическое моделирование инновационного развития жилищно коммунального хозяйства (на примере Кашкадарьинской области).....27

Ibragimov Nadir Nusriddinovich

Econometric modeling of innovative development of housing and communal services (on the example of Kashkadarya region).....50

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....55

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ PhD. 03/28.08.2020.I.55.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҚАРШИ ФИЛИАЛИ

ИБРАГИМОВ НОДИРЖОН НУСРИДДИНОВИЧ

УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИНИ ИННОВАЦИОН
РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ
(ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

08.00.06 – Эконометрика ва статистика

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Iqt1670 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.urdu.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мухитдинов Худояр Суъонович,
иктисодиёт фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар:

Досчанов Тангирберген Досчанович,
иктисодиёт фанлари доктори, профессор.

Абдуганиев Отабек Аллажонович,
иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Қорақалпоқ давлат университети


Диссертация ҳимояси Урганч давлат университети ҳузуридаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.03/28.08.2020.I.55.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «30» НОЯБР соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси 14 уй. Тел.: (99862) 224-67-00; факс(99862)


224-57-00; e-mail: info@urdu.uz


Диссертация бидан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2272 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси 14 уй. Тел.: (99862) 224-67-00, e-mail: info@urdu.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «4» НОЯБР куни тарқатилди.
(2021 йил «4» НОЯБР даги 16 рақамли реестр баённомаси).




Н.С. Абдуллаев,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор.


Ш.Б. Рузметов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент.


Б. Рузметов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги ривожланган давлатлар амалиётига кўра, уй-жой коммунал хўжалиги ресурслар самарадорлигини ошириш ва уй-жой билан таъминланганлик коммунал хизматлар соҳасининг ривожланишига ва шу асосда аҳоли турмуш даражаси сифатининг ошишига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Сўнгги йилларда жаҳондаги ривожланган мамлакатлар аҳолисининг уй-жой билан таъминланганлик даражаси ҳар хил бўлиб, халқаро экспертларнинг маълумотларига кўра, киши бошига Норвегияда – 74,0 м² ни, АҚШда – 65,0 м² ни, Данияда – 50,6 м² ни, кўплаб давлатларда эса бу кўрсаткич 5 – 10 м² ни ташкил этади¹. Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган 4 мингдан зиёд хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати 32,4 мингдан ортиқ кўп хонадонли уйларга хизмат кўрсатмоқда. Уй-жойларни, аввало, ипотека кредити асосида қуриш ва реконструкция қилиш кўлами кенгаймоқда. Бу ўтган давр мобайнида аҳоли нуфузи муттасил ўсиб боришига қарамасдан аҳолини уй-жой билан таъминлаш даражасини киши бошига 1991 йилдаги 12,4 квадрат метр ўрнига ўртача 15,2 квадрат метрга етказиш имконини берди². Бу эса, ўз навбатида, самарали уй-жой билан таъминлаш сиёсатини олиб бориш, аҳолини сифатли уй-жой билан таъминлаш ва коммунал хизмат кўрсатиш, уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантиришнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш заруриятини туғдирмоқда.

Жаҳоннинг тараққий этган мамлакатларида глобаллашув жараёни ҳамда унинг хизматлар бозори шаклланиши ва ривожланишига бўлган таъсиридан келиб чиққан ҳолда қатор муаммоларнинг илмий ечимини таъминлаш юзасидан мақсадли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, коммунал хизматларнинг институционаллашуви ва ижтимоийлашувининг кучайиши, коммунал хизматлар бозоридаги рақобат, янги инновацион моделларидан фойдаланиш, ишловчилар даромадларининг кўпайиши, миллий меҳнат бозори ҳамда трансмиллий компаниялар фаолиятини ривожлантиришга эътибор қаратилмоқда.

Янги Ўзбекистонда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислохотлар доирасида ижтимоий соҳани ривожлантиришга, аҳолини уй-жой билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишдаги муаммолар, уй-жой билан тўлиқ таъминланмаганлиги, сифатли коммунал хизматлар кўрсатилмаётганлиги истикболда мазкур соҳани янада ривожлантириш заруратини келтириб чиқармоқда. Бу борада 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида « ... арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни

¹ Манба: <https://www.socialprogress.org/Social> progress imperative.

² <https://president.uz/uz/lists/view/417/> Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони 2017 йил 18 апрель.

ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш ... »³ юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПФ-5052-сонли “Хизматлар соҳаларини янада ривожлантириш ҳамда улар фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПФ-5017-сон “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Уй-жой коммунал хўжалигини инновацион ривожлантириш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари билан боғлиқ назарий-услубий масалалар бўйича иқтисодий соҳасидаги хорижлик олимлардан Ж.Ховкинс, Й.Бенклер, Н.Дамодар, Д.Жамес, Ж.Э.Ханки, М.Драбенстотт, Д.С.Стоффер, Р.Х.Думай, В.А.Канке, Ж.С.Батист, Б.Фредерик, М.Альфред, Б.Багиратха, Д.Р.Баҳодур, С.Нараян, А.К.Перера⁴ ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдуслиги мамлакатлари олимларидан А.П.Иванов, С.А.Кожевников, М.Л.Крупницкий ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдуслиги мамлакатларида Н.С.Егорова, Е.Б.Смирнов, Т.К.Руткаускас, В.А.Крылов, А.Г.Мокронос, Качкаев П. Р.⁵ каби олимлар томонидан ўрганиб чиқилган.

³ [http://strategy.regulation.gov.uz/uz/document/2/Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги фармони.](http://strategy.regulation.gov.uz/uz/document/2/Ўзбекистон%20Республикасини%20янада%20ривожлантириш%20бўйича%20ҳаракатлар%20стратегияси%20тўғрисидаги%20фармони)

⁴ Howkins J. The Creative Economy: How People Make Money from Ideas. London: Penguin, 2001, 263p; Benkler Y. The Wealth of Networks: How Social Production Transforms Markets and Freedom. New Haven, Conn: Yale University Press, 2006, 515p; Damodar N. Gujarati (2004), “Basic Econometrics”, The fourth edition, The MacGraw-Hill Companies, 848 p; James D. Hamilton. Time Series Analysis. Library of Congress-In-Publication Data. Princeton University Press, New Jersey, 1994, 154p; Hanke J.E., and Reitsch A.G. (1995) Business forecasting, 5th ed., Prentice-Hall: Englewood Cliffs, NJ. 120p; Stoffer, D.S. and R.H. Dhumway, 2010. Time Series Analysis and its Application. 3rd Edn., Springer, New York, ISBN-10: 1441978658, pp: 596; Bhagirath B, Dil Bahadur. Rahut, Narayan. S, Analysis of household access to drinking water, sanitation, and waste disposal services in urban areas of Nepal, <https://doi.org/10.1016/j.jup.2019.100996> Received 21 May 2019; Received in revised form 1 December 2019; Accepted 2 December 2019;

⁵ Иванов А.П. Комплексное развитие жилищно-коммунального хозяйства городов и сел. – М., Стройиздат, 2016. – 160 с.; Кожевников С.А. Жилищно-коммунальное хозяйство региона: состояние, проблемы, перспективы [текст]: монография / С.А. Кожевников; под науч. рук. д.э.н. Т.В. Усковой. – Вологда: ИСЭР РАН, 2015. – 140 с.; Крупницкий М.Л. Экономика, организация и планирование жилищного хозяйства. – М., Стройиздат, 2014. – 191 с.; Егорова Н.С. Моделирование инвестиционной деятельности в жилищном секторе

Мазкур олимларнинг тадқиқотларида уй-жой коммунал хўжалиги тизимидаги мулкӣй ислоҳотларнинг тадрижий ривожланиши кенг миқёсда статистик таҳлил этилиб, илмий ёндашувлар асослаб берилган.

Мамлакатимизда аҳолига коммунал хизматлари кўрсатиш ва уй-жой хўжалигини ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари А.Э.Ишмухамедов, Б.З.Каланов, М.З.Каланова, А.Б.Хайитов⁶ ва бошқалар томонидан илмий тадқиқ этилган. Ўзбекистон Республикасида уй-жой коммунал хўжалиги соҳасини эконометрик моделлаштириш масалалари бўйича маҳаллий олимлардан Т.Ш.Шодиев, Ё.А.Абдуллаев, С.С.Гуляммов, Б.А.Бегалов, Н.М.Соатов, Б.К.Ғойибназаров, Х.А.Шодиев, И.Ҳабибуллаев⁷ ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Юқорида қайд этилган олимларнинг илмий тадқиқот ишлари уй-жой коммунал хўжалиги соҳасининг назарий ва амалий муаммоларини илмий жиҳатдан ўрганилган бўлиб, уй-жой коммунал хўжалигини инновацион ривожлантириш даражасида соҳани эконометрик тадқиқотларини ташкил қилиш ва такомиллаштиришнинг илмий-услубий жиҳатларига етарли эътибор берилмаган. Шу сабабли илмий изланишларнинг амалга оширилмаганлиги диссертациянинг мақсади ва вазифаларини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги Мазкур диссертация тадқиқоти Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-Ф1-04 рақамли «Рақобатбардош туристик ҳудуд ва кластерларни шакллантириш асосида Ўзбекистонда туризмни давлат миқёсида барқарор ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳа (2017-2020 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади уй-жой коммунал хўжалигини инновацион ривожлантиришда ахборот, логистика, таълим ва илғор технология билан

– М., Издательство МГУ 2017. – 128 с.; Смирнов Е.Б. Воспроизводство жилищного фонда крупного города в условиях формирования экономических отношений рыночного типа. – СПб., СПбГИЭА, 2015. – 264 с.; Руткаускас Т.К. Формирование и развитие рыночных отношений в жилищно - коммунальном хозяйстве: теория, методология и практика. – Екатеринбург: Изд-во Рос. гос. проф.-пед. ун-та, 2005. – 391 с.; Формирование и развитие рынка жилищно- коммунальных услуг / В.А. Крылов, А.Г. Мокроносов, Т.К. Руткаускас. – Екатеринбург: Изд-во «Екатеринбург», 2000. – 291 с.; Качкаев П. Р. Проблемы и перспективы развития ЖКХ в рамках реформирования отрасли. // Жилищно-коммунальное хозяйство. – 2017, № 2. – С. 2-5;

⁶Ишмухамедов А.Э., Каланов Б.З., Каланова М.З., Суннатов М.Н. Ижтимоий соҳа иқтисодиёти: дарслик. – Т.: ТДИУ, 2007.; Хайитов А.Б., Каланов Б.З., Каланова М.З. Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хўжалиги ривожланишини такомиллаштириш. – Т.: ТДИУ, 2006. – 35 б.; Шодиев Т.Ш. Эконометрика // Ўқув қўл.-Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси, ТДИУ, 2005.–126 б.;

⁷Абдуллаев Ё. Макроиқтисодий статистика 100 саволга 100 жавоб.–Т.: Меҳнат, 1998. – 382 б.; Ғуломов С.С., Бегалов Б.А. Иқтисодий информатика.–Т.: ТДИУ, 2010. – 587 б.; Соатов Н.М. Статистика. Дарслик.– Т.:Абу Али ибн Сино, 2003.–743 б.; Ғойибназаров.Б.К. Аҳоли турмуш даражасини статистик баҳолаш, Монография. –Т.: ФАН, 2006. – 125 б.; Шодиев Х.А., Ҳабибуллаев И. Статистика. // Дарслик – Т.: Иқтисод-Молия, 2018.–253–268 б.

уйғунлаштиришни такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифалари. Қўйилган мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгиланди ва ҳал этилди:

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион ривожлантиришнинг моҳияти ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;

Ўзбекистонда уй-жой коммунал хўжалигини инновацион ривожлантиришда ахборот, логистика, таълим ва илғор технологиялар уйғунлаштиришни иқтисодий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

уй-жой коммунал хўжалигини инновацион ривожлантиришда минтақанинг иқтисодий бирлиги сифатида SWOT таҳлиллар асосида кластернинг ядро тизимини такомиллаштириш;

уй-жой коммунал хўжалигини инновацион ривожлантиришда хориж тажрибаларини мамлакатимиз ҳудудларида қўллаш усулларини ишлаб чиқиш;

минтақа уй-жой коммунал хўжалигини инновацион ривожланиш ҳолатини таҳлил қилиш;

уй-жой коммунал хўжалигини инновацион ривожлантиришда энг асосий параметрларининг устуворлигини аниқлашнинг имитацион моделини ишлаб чиқиш;

уй-жой коммунал хўжалигини инновацион ривожлантириш ва уларга таъсир этувчи омилларни баҳолаш;

уй-жой коммунал хўжалигини инновацион ривожлантиришга таъсир этувчи омилларнинг кўп омилли эконометрик моделини тузиш ва прогнозлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Қашқадарё вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси ва унинг таркибига кирувчи уй-жой хўжалик корхоналар фаолияти танланган.

Тадқиқотнинг предмети уй-жой коммунал хўжалигини инновацион ривожлантиришни эконометрик моделлаштириш услубиётини такомиллаштиришга қаратилган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли ёндашув, таҳлилнинг мантиқий ва таққослаш усуллари, иқтисодий-статистик таҳлил, математик статистика, корреляцио-регрессион таҳлил, статистик гуруҳлаш, танланма кузатиш, эконометрик моделлаштириш, прогнозлаш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

уй-жой коммунал хўжалигини инновацион ривожлантиришда рақамли технологиялари кластер тизимини жорий қилишда вертикал интеграция даражасини аниқлаш усули полиномиал тренд чизиғининг энг юқори детерминация коэффицентига кўра такомиллаштирилган;

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион ривожлантириш ва уларга таъсир этувчи омилларни баҳолаш ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатишга таъсир этувчи кўрсаткичларнинг эластиклик коэффициентларини ҳисоблаш орқали эконометрик модели ишлаб чиқилган;

Қашқадарё вилоятида уй-жой коммунал хўжалигини инновацион ривожлантиришга боғлиқ хизмат кўрсатиш ва коммунал хўжалиги капиталига киритилган инвестиция ҳажми бўйича асосий кўрсаткичларининг 2021-2025 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

уй-жой коммунал хўжалигини инновацион ривожлантиришда микдорий ва сифат жиҳатидан ўсишини синергетик самарадорлигини оширишнинг вақтли қаторлар ва статистик мезонлар асосида кластерли ядро тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

минтақада уй-жой коммунал хўжалигини инновацион ривожлантиришда ахборот, логистика, таълим ва илғор технология билан уйғунлаштиришнинг инновацион алоқа ва ўзаро муносабатлари такомиллаштирилган;

минтақада SWOT-таҳлиллар асосида кластернинг ядро тизими такомиллаштирилган;

минтақада уй-жой коммунал хўжалигини инновацион ривожлантиришнинг таркибий тузилмаси таклиф этилган;

минтақакоммунал хўжалигини инновацион ривожлантиришда энг асосий устувор параметрларини аниқлашнинг имитацион модели ишлаб чиқилган;

минтақада уй-жой коммунал хўжалигига таъсир қилувчи омиллар таъсирини баҳолаш усуллари таклиф этилган ва уй-жой коммунал хўжалигини инновацион ривожлантиришнинг прогноз кўрсаткичлари ҳисобланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот жараёнида қўлланилган илмий ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси, Қашқадарё вилоят ҳокимлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси статистик маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифлар масъул ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Асосий таклифлар ва хулосалар уй-жой коммунал хўжалиги фаолиятини кенгайтирилган ҳолда кўп омилли эконометрик таҳлил қилиш услубиятини такомиллаштириш ҳамда статистик ахборотларнинг ишончлилиги, тўлиқлилик даражаси ва фойдаланувчиларнинг талабларига мос келишини таъминлайди ҳамда истикболларини прогнозлаш имкониятларини кенгайтиради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти минтақада уй-жой коммунал хўжалигини инновацион ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган қонун ва қонуности ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва соҳага оид бошқа меъёрий-

ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга ҳамда прогноз кўрсаткичларини асослашда муайян даражада хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларидан, шунингдек, олий ўқув юртларида иқтисодиёт йўналишидаги “Статистика асослари”, “Макро-микроиқтисодий статистика”, “Эконометрика асослари” фанларини ўқитишда илмий-услубий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Уй-жой коммунал хўжалигини инновацион ривожлантиришни эконометрик моделлаштириш бўйича олинган илмий натижалари асосида:

минтақада уй-жой коммунал хўжалигини инновацион ривожлантиришда рақамли технологиялари кластер тизимини жорий қилишда вертикал интеграция даражасини аниқлаш усули полиномиал тренд чизиғининг энг юқори детерминация коэффициентини такомиллаштирилиши Қашқадарё вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг 2021 йил 27 августдаги 01/17-3892-сон маълумотномаси). Натижада ахборот, логистика, таълим ва илғор технология билан уйғунлаштиришнинг иқтисодий ҳуқуқий асосларининг мазмунини тизимли ва кенгроқ тушуниш орқали уй-жой коммунал хўжаликлари амалиётига қўллаш ва аниқ чора-тадбирларни белгилаш имконини берган;

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион ривожлантириш ва уларга таъсир этувчи омилларни баҳолаш ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатишга таъсир этувчи кўрсаткичларнинг эластиклик коэффициентларини ҳисоблашнинг эконометрик моделлаштирилиши Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Қашқадарё вилоят уй-жой коммунал хўжаликлари фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг 2021 йил 27 августдаги 01/17-3892-сон маълумотномаси). Натижада таъсир этувчи омиллар уй-жой коммунал хўжаликларини самарали бошқариш имконини берган;

Қашқадарё вилоятида уй-жой коммунал хўжалигини инновацион ривожлантиришга боғлиқ хизмат кўрсатиш ва коммунал хўжалиги капиталига киритилган инвестиция ҳажми бўйича асосий кўрсаткичларининг 2021-2025 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Қашқадарё вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг 2021 йил 27 августдаги 01/17-3892-сон маълумотномаси). Натижада Қашқадарё вилояти уй-жой коммунал хўжаликларини инновацион ривожлантиришга боғлиқ хизмат кўрсатиш тармоғи ҳажми 2020 йилга нисбатан 2021 йилга бориб 1,06 баробарга, 2026 йилга бориб эса 1,27 баробарга ошиши прогноз қилинган.

уй-жой коммунал хўжалигини инновацион ривожлантиришда миқдорий ва сифат жиҳатидан ўсишини синергетик самарадорлигини оширишнинг

вақтли қаторлар ва статистик мезонлар асосида кластерли ядро тизими ишлаб чиқилиши Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Қашқадарё вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг 2021 йил 27 августдаги 01/17-3892-сон маълумотномаси). Натижада ушбу моделдан фойдаланиш уй-жой коммунал хўжаликларнинг хизматлар сифат даражасини аниқлаш ҳамда соҳани инновацион ривожлантириш учун аниқ қарорлар қабул қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан, 3 та халқаро, 5 та республика илмий анжуманлари материаллари тўпламларида мақола ва тезислар, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола ва 3 та хориж журналида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат, умумий ҳажми 121 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий ишнинг янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва амалиётга жорий қилиниши очиб берилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Уй-жой коммунал хўжалиги инновацион ривожланишининг илмий-назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида уй-жой коммунал хўжалигини инновацион ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, уй-жой коммунал хизматларни инновацион ривожлантиришнинг кластерли механизми таклиф қилинган ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатишни инновацион ривожлантиришда хориж тажрибаси, уй-жой коммунал хизмат кўрсатишни инновацион ривожлантиришда хориж тажрибаси ўрганилган.

Аҳолининг турмуш даражаси мамлакатда олиб борилаётган ижтимоий сиёсат ва ижтимоий соҳанинг ривожланиши билан боғлиқ бўлади. Ўз навбатида ижтимоий соҳа аҳолига моддий ва маънавий неъматлар етказиб берувчи инфратузилмалардан ташкил топади.

Уй-жой коммунал хўжалигини инновацион ривожлантиришнинг ўзига хос хусусияти шундаки, рақобатни инновацион ривожлантириш механизмидан фойдаланган ҳолда энг ҳаётий йуналишларни танлашдир.

Уй-жой коммунал хўжаликларни ахборот технологиялари ва логистика билан таъминлаш орқали инсоният цивилизациясида янги ривожланиш даври ахборотлашган жамият даври бошланган. Инновацион технологиялар орқали доимий электр энергияси ва иссиқлик таъминотиغا эга бўлмоқда. Чунки замонавий уйларда видео кузатув тизими, газли қозон, хавфсизлик тизими мавжуд. Бу тизимлар электр энергиясини доимий равишда етказиб беришни талаб қилади. Электр энергиясини доимий равишда таъминлаш учун қуёш панелларидан фойдаланиш мумкин. Биламизки, ҳар доим аҳолининг тоза ичимлик сувларига эҳтиёжи юқори бўлиб келган. Шундай экан сувни тозалаш ва аҳолига етказиб бериш учун биз уй-жой қурилиши жараёнида ҳар бир хонадон учун алоҳида ичимлик сувини тозаловчи қурилмалардан фойдаланишимиз мумкин. Аҳолига ичимлик сувларини тозалашга алоҳида эътибор қаратсак, бу билан биз пандемия шароитида аҳоли саломатлигини сақлашга катта ҳисса қўшган бўламиз. Инновацион технологиялардан фойдаланиш натижасида, хусусан, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида илм-фан ривожланади, самарали ўзгаришлар яратилади, нарх-наво оптималлаштирилади.

Замонавий шароитда уй-жой коммунал хизматларини самарали бошқариш юқори малакали кадрларни талаб қилади. Сўнгги йиллардаги ушбу иқтисодий бошқариш тажрибасининг таҳлили шуни кўрсатадики, бошқарув органларининг касбий тайёргарлиги сифатининг етарли даражада эмаслиги коммунал хизматларнинг ривожланишига сезиларли таъсир қилади. Чунки замонавий инновацион технология ва воситалардан фойдаланиш самарадорлиги бевосита ходимларининг касбий тайёргарлиги даражасига боғлиқ.

Уй-жой коммунал хўжалигининг таркибий бўлинмаларида кадрлар тайёрлаш тажрибасининг таҳлили шуни кўрсатадики, замонавий ташкилотларда кадрлар тайёрлаш самарадорлигини оширишнинг энг истиқболли йўналишларидан бири – бу ахборот технологияларининг замонавий усуллари асосида ўқитишни ташкил қилиш ва амалиётга жорий этишдир.

Шу боисдан уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида инновацион ахборот технологиялари тизимини такомиллаштириш, аҳоли учун қулай ва хавфсиз яшаш шароитларини таъминлайдиган инфратузилма объектларини модернизация қилиш, уй-жой коммунал хўжалигида инновацион технологияларни жорий этиш ва натижада коммунал хизматларни инновацион ривожлантириш бугунги кунда иқтисодийнинг ушбу соҳасини ислоҳ қилишнинг долзарб вазифалари бўлиб қолмоқда.

Ўз навбатида, уй-жой коммунал хизматлар соҳасини инновацион ривожлантириш деганда, биз маълум ҳудудда жойлашган уй-жой коммунал хизматларининг сифатини яхшилашга хизмат қиладиган ўзаро таъсир

қилувчи, ишлаб чиқариш, ахборот, логистика ва бошқа алоқалар билан бирлаштирилган, илғор илмий, таълим ва ресурс тежайдиган технологияларни уйғунлаштирадиган инновацион дастур билан бирлаштирилган тузилмалар гуруҳини тушунамиз.

Юқоридаги изоҳли таърифимизга асосан уй-жой коммунал хўжаликларни инновацион ривожлантиришда бизнес жараёнларни такомиллаштириш (стратегик режалаштириш, аутсорсинг, коворкинг ва бошқалар), хизмат кўрсатиш соҳасидаги янги ахборот коммуникация ресурсларидан фойдаланишга асосланган янги бошқарув усулларини жорий этиш (ISO-сифат менежменти, CRM-мижозларни бошқариш, ERP – ресурсларни бошқариш ва ҳоказо). Хизмат кўрсатиш соҳаси фаолиятининг институционал шароитларини такомиллаштиришни (қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш, хизмат кўрсатиш соҳаси инфратузилмасини ривожлантириш, мақсадли дастурларни амалга ошириш ва бошқалар) ташкил этишдан иборатдир;

Олиб борилган илмий изланишлар натижасида уй-жой коммунал хизматларга қуйидагича муаллифлик таърифи таклиф этилган: Уй-жой коммунал хўжаликларни инновацион ривожлантириш – бу аҳолининг турмуш даражаси сифатини оширишга қаратилган, иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш қонуниятлари асосида шаклланадиган, аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжларини, унинг моддий турмуш эҳтиёжларига узлуксиз ва сифатли хизмат кўрсатилишини таъминлашга йўналтирилган ўзига хос хусусиятига эга бўлган янги механизмлар бирлашмасидир.

Ушбу таърифга асосан уй-жой коммунал хўжалигини бошқаришни назарий жиҳатдан кластерли механизм бошқаруви таклиф этилган. Кластерли ёндашув, одатдаги ишлаб чиқариш бирлашмаларидан фарқли ўларок, тегишли фаолият соҳасига инновацион потенциални фаол киритишни, рақобатдошликни ривожлантиришни, бозорни тартибга солиш механизмларини, шу жумладан, давлат-хусусий шерикликни қўллашни назарда тутати. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш кластерини яратишнинг асосий мақсади уй-жой секторидаги корхоналарнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш ва натижада уй-жой коммунал хизматларининг сифатини оширишда намоён бўладиган синергетик самарага эришишдир.


Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги кластерни яратиш ва унинг ишлаш концепциясини шакллантириш доирасида белгилаш мақсадга мувофиқ тадқиқотда SWOT таҳлиллари 1-расмда келтирилган. Swot таҳлили, асосида кластернинг ишлаш моделини, асосий иштирокчиларни ва уларнинг ўзаро боғлиқлик тамойилларини, рақобатдош устунликларни олишнинг ўзига хос хусусиятларини, вертикал интеграция даражасини, тегишли хизматларни тақдим этиш имкониятларини ва бошқаларни тавсифлаши кераклиги исботланган.

S- КУЧЛИ ТОМОНЛАР	W- ЗАИФ ТОМОНЛАР
<ul style="list-style-type: none"> ➤ Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш бўйича инвестицияларнинг киритилиши ➤ Уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида меъёрий-ҳуқуқий заминнинг яратилганлиги; ➤ Уй-жой коммунал хўжалигида рақамли технологияларнинг жорий этилиши; ➤ Уй-жой коммунал хўжалигини умумий мақсадда ягона тизимга ўтказилиши. 	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Уй-жой коммунал хўжалигининг бошқарув ускуналари талабга жавоб бермаслиги; ➤ Уй-жой коммунал хўжалигида фаолият юритувчи кадрларнинг етарлича билимга эга эмаслиги; ➤ Молиявий ресурсларнинг чекланганлиги; ➤ Қулай хизмат кўрсатиш муҳитини шакллантириш бўйича етарли ахборотга эга эмаслиги; ➤ Илмий-техника тараққиёти янгиликларидан ўз вақтида фойдаланмаслиги.
O- ИМКОНИАТЛАР	T- ТАҲДИДЛАР
<ul style="list-style-type: none"> ➤ Ташкил этилган тизимни аҳолига рақамли технологиялар таъсирида татбиқ этиш; ➤ Уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида чет эл тажрибасидан фойдаланиб мукамал кластер тизимини жорий қилиш имкони борлиги; ➤ Уй-жой коммунал хўжалиги соҳасининг бозорга тез мослашувчанлиги. 	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Хизматларга қўйилган таърифларнинг муқобил бир нархда турмаслиги; ➤ Бошқа ҳудудлар билан хизматлар бозорининг яхши йўлга қўйилмаганлиги; ➤ Қонунчиликдаги ўзгаришларнинг коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларига ҳамиша етиб келиш имкониятининг йўқлиги; ➤ Мавсумий ва демографик вазиятнинг ўзгарувчанлиги.

1-расм. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги кластерни шакллантириш ва унинг ишлаш механизмларини яратиш доирасидаги Swot таҳлили⁸.

Кластер ядросини шакллантириш босқичи мувофиқлаштирувчи кенгашни ташкил этишни ўз ичига олади, унинг асосий вазифаларидан бири ишчи комиссиялар (ёки кенгашлар) фаолиятини тартибга солиш, масалан, давлат ва ўз-ўзини бошқариш ҳокимият органлари билан ўзаро алоқалар бўйича кенгаш, стратегик режалаштириш кенгаши ва бошқалар киради (2-расм).

⁸Манба: муаллиф ишланмаси.



2-расм. Кластерли бошқарув механизмининг яратишнинг ташкилий вазифалари.⁹

Кластерни бошқариш уй-жой коммунал хизматлари ва тегишли хизматлар бозорида ривожланаётган муносабатлар субъектлари манфаатларининг мувозанати принциплари асосида қурилиши керак.

⁹Манба: муаллиф ишланмаси.

Диссертациянинг “Уй-жой коммунал хўжалигини инновацион ривожлантиришни имитация алгоритмлари” деб номланган иккинчи бобда Уй-жой коммунал хўжалиги хизматлар кўрсатиш ва истеъмол қилишнинг оқилона таркибини шакллантириш алгоритмлари, уй-жой коммунал хўжалигининг хизмат кўрсатиш самарадорлиги кўрсаткичлари ва мезонлари, вилоят уй-жой коммунал хизматлар таҳлилини амалга оширишнинг рақамли уй-жой платформаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотда табиий ресурслардан рухсатсиз фойдаланишга қарши қаратилган тадбирлар тизимидан, мисол тариқасида, электр манбалари, газдан ва сувдан рухсатсиз фойдаланишга қарши йўналтирилган тадбирларни қараймиз. Бунинг учун ҳудудда маълум даврдаги мазкур ресурслардан рухсатсиз фойдаланиш оқибатида келтирилган зарарлар миқдорини аниқлаш моделини тавсия этамиз ва у қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Q_{um}(t, \tau) = \sum_{i=1}^s \frac{S_i(t, \tau)}{C_i(t, \tau)} \quad (1)$$

T– йилнинг τ - ойига мос, амалда истеъмол қилинган электр ёки газ, ёки сув миқдори;

$$Q_{um}(t) = \sum_{i=1}^{12} Q_{um}(t, \tau) \quad (2)$$

T– йилга мос, амалда истеъмол қилинган электр ёки газ, ёки сув миқдори;

$$Q_{um}(t) = \sum_{i=1}^T Q_{um}(t) \quad (3)$$

T– йил даврда, мос ҳолда, амалда истеъмол қилинган электр ёки газ ёки сув миқдори;

$$\Delta Q_{gaz}(t) = Q_{um}(t, \tau) - Q_{gaz}(t) \quad (4)$$

T– йилнинг τ - ойига мос, рухсатсиз истеъмол қилинган электр ёки газ, ёки сув миқдори;

$$\Delta Q_{um}(t) = \sum_{i=1}^{12} Q_{um}(t, \tau) \quad (5)$$

t – йил давомида рухсатсиз истеъмол қилинган электр ёки газ, ёки сув миқдори;

$$\Delta Q_{um}(t) = \sum_{i=1}^T Q_{um}(t) \quad (6)$$

T– йилнинг τ - ойига мос, рухсатсиз истеъмол қилинган электр ёки газ, ёки сув миқдоридан келиб чиқадиган давлат зарари ўртача суммаси, сўмда;

$$Z_{gaz}(t) = \sum_{\tau=1}^{12} Z_{gaz}(t, \tau) \quad (7)$$

T– йилда рухсатсиз истеъмол қилинган электр ёки газ, ёки сув миқдоридан келиб чиқадиган давлат зарари ўртача суммаси, сўмда;

$$Z_{gaz} = \sum_{t=1}^T Z_{gaz}(t) \quad (8)$$

T– йил даврида рухсатсиз истеъмол қилинган электр ёки газ, ёки сув миқдоридан келиб чиқадиган давлат зарари ўртача суммаси, сўмда;

$$\bar{C}(t, \tau) = \frac{S_1(t, \tau) + \dots + S_5(t, \tau)}{Q_1(t, \tau) + \dots + Q_5(t, \tau)} \quad (9)$$

t- йилнинг τ -ойига мос ўртача 1 квт соат электр ёки 1 куб метр газ, ёки 1 куб метр сувни тарифи, сўмда;

– ойлик ($Z_{эл}(t, \tau)$) ва йиллик ($Z_{эл}(t)$) электр энергиясидан ноқонуний фойдаланишдан келиб чиқадиган зарарлар,

$$Z_{газ}(t, \tau) = Z_{газ}(t, \tau) = \Delta Q_{газ}(t, \tau) \times \bar{C}(t, \tau) \quad (10)$$

$$Z_{газ}(t) = Z_{газ}(t) = \sum_{\tau=1}^{12} Z_{газ}(t, \tau) \quad (11)$$

– ойлик ($Z_{газ}(t, \tau)$) ва йиллик ($Z_{газ}(t)$) газдан ноқонуний фойдаланишдан келиб чиқадиган зарарлар,

$$Z_{вода}(t, \tau) = \Delta Q_{сув}(t, \tau) \times \hat{C}(t, \tau) \quad (12)$$

$$Z_{вода}(t) = \sum_{\tau=1}^{12} Z_{сув}(t, \tau) \quad (13)$$

– ойлик ($Z_{сув}(t, \tau)$) ва йиллик ($Z_{сув}(t)$) сувдан ноқонуний фойдаланишдан келиб чиқадиган зарарлар,

Бундаги шартли белгилар қуйидаги маънони билдиради:

$C_{1эл}(t, \tau)$, $S_{1эл}(t, \tau)$ – мос ҳолда, аҳоли учун 1 квт соат электрга тўланадиган сумма (тарифи, ой учун) ва аҳолининг электр учун ойлик тўлаган тўловлари суммаси;

$C_{2эл}(t, \tau)$, $S_{2эл}(t, \tau)$ – мос ҳолда, корхона учун 1 квт соат электрга тўланадиган сумма (тарифи, ой учун) ва корхонанинг электр учун тўлаган ойлик тўловлари суммаси;

$C_{3эл}(t, \tau)$, $S_{3эл}(t, \tau)$ – мос ҳолда, АЗС, газ ёнилғиси қуйиш шахобчалари учун 1 квт соат электрга тўланадиган сумма (тарифи, ой учун) ва АЗС, газ ёнилғиси қуйиш шахобчалари электр учун тўлаган ойлик тўловлари суммаси;

$C_{4эл}(t, \tau)$, $S_{4эл}(t, \tau)$ – мос ҳолда, қўшма корхоналар учун 1 квт соат электрга тўланадиган сумма (тарифи, ой учун) ва қўшма корхоналарни электр учун тўлаган ойлик тўловлари суммаси;

$C_{5эл}(t, \tau)$, $S_{5эл}(t, \tau)$ – мос ҳолда, хорижий корхона учун 1 квт соат электрга тўланадиган сумма (тарифи, ой учун) ва хорижий корхонани электр учун тўлаган ойлик тўловлари суммаси;

$C_{1газ}(t, \tau)$, $S_{1газ}(t, \tau)$ – мос ҳолда, аҳоли учун 1 куб м. газга тўланадиган сумма (тарифи, ой учун) ва аҳолини газ учун тўлаган ойлик тўловлари суммаси;

$C_{2газ}(t, \tau)$, $S_{2газ}(t, \tau)$ – мос ҳолда, корхона учун 1 куб м. газга тўланадиган сумма (тарифи, ой учун) ва корхонани газ учун тўлаган ойлик тўловлари суммаси;

$C_{3газ}(t, \tau)$, $S_{3газ}(t, \tau)$ – мос ҳолда, АЗС, газ ёнилғиси қуйиш шахобчалари учун 1 куб м. газга тўланадиган сумма (тарифи, ой учун) ва АЗС, газ ёнилғиси қуйиш шахобчаларининг газ учун тўлаган ойлик тўловлари суммаси;

$C_{4газ}(t, \tau)$, $S_{4газ}(t, \tau)$ – мос ҳолда, қўшма корхоналар учун 1 куб м. газга тўланадиган сумма (тарифи, ой учун) ва қўшма корхоналарнинг газ учун тўлаган ойлик тўловлари суммаси;

$C_{5\text{газ}}(t, \tau)$, $S_{5\text{газ}}(t, \tau)$ – мос ҳолда, хорижий корхона учун 1 куб м. газга тўланадиган сумма (тарифи, ой учун) ва хорижий корхонани газ учун тўлаган ойлик тўловлари суммаси;

$C_{1\text{сув}}(t, \tau)$, $S_{1\text{сув}}(t, \tau)$ – мос ҳолда, аҳоли учун 1 куб м. сувга тўланадиган сумма (тарифи, ой учун) ва аҳолини сув учун тўлаган ойлик тўловлари суммаси;

$C_{2\text{сув}}(t, \tau)$, $S_{2\text{сув}}(t, \tau)$ – мос ҳолда, корхона учун 1 куб м. сувга тўланадиган сумма (тарифи, ой учун) ва корхонани сув учун тўлаган ойлик тўловлари суммаси;

$C_{3\text{сув}}(t, \tau)$, $S_{3\text{сув}}(t, \tau)$ – мос ҳолда, АЗС, газ заправкалар учун 1 куб м. сувга тўланадиган сумма (тарифи, ой учун) ва АЗС, газ ёнилғиси қуйиш шахобчалари ни сув учун тўлаган ойлик тўловлари суммаси;

$C_{4\text{сув}}(t, \tau)$, $S_{4\text{сув}}(t, \tau)$ – мос ҳолда, қўшма корхоналар учун 1 куб м. сувга тўланадиган сумма (тарифи, ой учун) ва қўшма корхоналарнинг сув учун тўлаган ойлик тўловлари суммаси;

$C_{5\text{сув}}(t, \tau)$, $S_{5\text{сув}}(t, \tau)$ – мос ҳолда, хорижий корхона учун 1 куб м. сувга тўланадиган сумма (тарифи, ой учун) ва хорижий корхонанинг сув учун тўлаган умумий тўловлари суммаси.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, мисол тариқасида электр, газ ва сувдан ноқонуний фойдаланишдан келадиган умумий йиллик зарарни ($Z_{\text{ум}}(t)$) ушбу белгилар орқали аниқлашимиз мумкин:

$$Z_{\text{ум}}(t) = Z_{\text{эл}}(t) + Z_{\text{газ}}(t) + Z_{\text{сув}}(t) \quad (14)$$

Биз келтирилган методлар асосида, табиий нохуш ҳолатлар сабабли келиб чиқадиган салбий оқибатлар ва зарарлар, тасодифий энергия тармоқларининг ўчирилиши, ностандарт озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишдан келиб чиқадиган турли заҳарланиш ва касалликка чалиниш, эътиборсизлик оқибатида экологик муҳитнинг ёмонлашуви, сувнинг сифати, яшаш тарзи ва маданияти, овқатланиш маданияти, ўз соғлигига эътибор бермаслик, озиқ-овқат сифати, қорабозордаги турли иқтисодий ва ижтимоий ҳолатлар, давлат мулкани ноқонуний ўзлаштириш ҳолатлари ва ҳақозолардан келиб чиқадиган ижтимоий-иқтисодий зарарларни ҳам аниқлаш мумкин бўлади.


Юқоридагиларни муваффақиятли амалга ошириш учун ҳар қандай ташкилот шаклидаги уй-жой коммунал хўжалиги корхоналари ўз ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиши ва мониторингини амалга ошириш учун рақамли уй-жой платформаси ишлаб чиқилди. (3-расм).

3-расмда кўрсатилганидек уй-жой коммунал хўжалигини инновацион ривожлантириш IDHCS-(Innovative Development of Housing and Communal Services) платформаси орқали диспетчерлик сўровларини уй-жой коммунал хизматлари учун рақамли платформанинг зарур компоненти жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини рўйхатга олишнинг қуйи тизими бўлиб, у аризаларни қабул қилиш, ижрочиларни тайинлаш ва муддатларини белгилаш, бажарилишини назорат қилиш ва харажатларни ҳисобга олиш, учинчи томон тизимлари билан интеграциялашган муаммоларни ҳал қилади ва аналитик ҳисоботларни тақдим этади.

Уй-жой платформанинг имкониятлари қуйидагилардан иборат:

- Уй -жой фондининг мониторинги.

- Уй-жой коммунал хизматларини рақамлаштиришнинг асоси кўп қаватли уйлар, бошқа тураржой ва тураржой бинолари паспортларининг электрон маълумотлар базасини юритиш жараёнларини автоматлаштиришдир.




3-расм. IDHCS платформаси ахборот тизимлари ёрдамида маълумотлар алмашинуви¹⁰.

